МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 23 ноябрь. Шанба №98-99 (960-961) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

## МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ

### демократик қадриятларга асосланган

*Истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиздан энг муҳими демократиянинг муҳим шарти бўлган миллий сайлов тизимининг қонунчилик асослари халқаро принципларга мос ҳолда шаклланганидир. Бинобарин, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этишдаги иштироки асосан сайловларда намоён бўлади.*

*Маҳалланинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зотан, «давлатнинг манбаи халқ» деган конституциявий норманинг амалий ифодасида ҳам, кенг халқ оммасининг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлашда ҳам демократик қадриятларни вужудга келтириш муҳим омил ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштирокини ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Бош Қомусимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, бу ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилишига оид норма ўз ифодасини топган. Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 105-моддаси билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлар маҳаллаларидаги фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланди.*

> [4]

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, йирик агентлик ва компаниялар, тадқиқот марказлари вакиллари, мутахассис ва экспертларни — Форумнинг мазкур йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчиларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва қутлаш, ҳаммангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни билдириш биз учун катта шарафдир.

Мен Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао жанобларига Форум йиғилишида шахсан иштирок этаётгани, «Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси»ни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси, Осиё тараққиёт банки ва унинг тузилмалари томонидан қуёш энергетикасидан фойдаланиш ва уни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш соҳасида кўрсатилаётган беқиёс ёрдам учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Форум мажлисида иштирок этаётган Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро марказлар ва тузилмалар вакилларига, мазкур анжуманга катта қизиқиш билдирган барча меҳмонларимизга самимий ташаккур изҳор этаман.

«Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги мазкур йиғилиш учун таклиф этилган кун тартибини, биринчи навбатда, «Қуёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истиқболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб давлатлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Маълумки, цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хомашёси бўлган углеводород захираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефть ва газ захираларига эга бўлиш чексиз даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган энг муҳим омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтда углеводород хомашёсини қазиб олиш борасида юз берган, «сланец инқилоби» деб аталаётган янги босқич эртага баъзи қитъалар, мамлакат ва ҳудудларнинг энергетика бозоридаги ҳамда жаҳон майдонидаги кучларнинг геосиёсий жойлашувидаги ўрни ва ролини ўзгартирадиган жиддий омилга айланиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Бироқ бундай ўзгаришлар қайта тикланадиган энергия манбаларига, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган, йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжни ҳеч қачон сусайтира олмайди.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги фактга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истиқболли таркибий қисми бўлган қуёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли кўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда.

Ана шу 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард долларни, жумладан, фақат 2012 йилнинг ўзида 143 миллиард долларни ташкил этди.

Қуёш станциялари томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган жами электр энергияси 113 миллиард киловатт-соатни, жумладан, фотоэлектр станциялар бўйича 110 миллиард киловатт-соатни ташкил этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг жадал ўсиб боришига олиб келаётган сабаблар кўп.

Биринчи навбатда, бу жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ. Яна бир сабаби шундаки, анъанавий углеводород хомашёси бўлмиш нефть ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб бораётгани ва шу билан бирга, уларнинг захиралари камайиб кетаётгани халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Аммо шу борада ҳеч қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаётгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажакда глобал миқёсда барқарор ривожланишга хавф солаётгани билан боғлиқ.

Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларидан бири, бу, **аввало**, қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истиқболли манбаи сифатида қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтиришни янада кўпайтиришдан иборат.

**Иккинчидан**, муаммони ҳал этишда илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш ва шунингдек, қуёш электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

**Учинчидан,** бу борадаги яна бир имконият углеводород хомашёсидан фойдаланишга асосланган анъанавий энергетика тизимига нисбатан қуёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11-12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси таннархини 8-9 центга қадар тушириш вазифаси қўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЕХИКО НАКАОНИНГ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Осиё тараққиёт банки, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши иштирокчилари номидан Ўзбекистон раҳбариятига ушбу тадбирнинг юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Шуни таъкидлаш керакки, бундай нуфузли анжуман Марказий Осиёда илк бор ўтказилмоқда.

Ўзининг буюк мутафаккирлари, қадимий тарихи ва бой маданияти билан дунёга машҳур Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан ғоят мамнунман. 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси ҳам Тошкентда ўтказилган эди. Айнан шу мажлисда Ўзбекистон ва ОТБнинг қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича яқин ҳамкорлигига асос солинганди. Бугунги мажлис эса ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт давомида қўлга киритган улкан ютуқ ва марралари мени ғоят ҳайратга солди. Бу, шубҳасиз, мамлакат раҳбариятининг хизматлари самарасидир. Президент Ислом Каримов ва мамлакатингиз ҳукуматини Ўзбекистон халқининг ҳаёт даражасини юксалтириш йўлидаги машаққатли меҳнати ўзининг улкан самараларини бераётгани билан табриклайман.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари дунёдаги кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан юқори бўлмоқда. Мамлакатингизнинг кучли солиқ-бюджет сиёсати ва ташқи қарзининг камлиги мустаҳкам макроиқтисодий асос яратилганидан далолат беради. Бу Ўзбекистонга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш имконини бермоқда. Бу инвестициялар, айни пайтда, саноат секторини модернизация қилиш ва кенгайтириш, асосий ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилда жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини ташкил қилди. Бу эса тараққиётнинг «ўзбек модели» муваффақияти, макроиқтисодий ва фискаль бошқарув пухта ўйлангани ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш салмоқли натижалар бераётганининг ёрқин тасдиғидир.

Осиё тараққиёт банки олий таълим, банк сектори, капитал бозори, ахборот-коммуникация технологиялари, хусусий сектор ролини кенгайтириш ва хусусий сармояларни рағбатлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш каби алоҳида эътибор талаб қиладиган йўналишларда ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг янада диверсификация қилинган иқтисодиётга ўтиш ва ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, жадал ривожланишни давом эттириш, пировард натижада, мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

ОТБ Ўзбекистоннинг фаол ҳамкори сифатида мамлакатнинг кенг кўламли масалалар бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитлар умумий ҳажми банкимиз мамлакатингизда фаолият кўрсатишни бошлаган 1996 йилдан буён 3,9 миллиард долларга етди. Сўнгги йилларда ОТБ ўз суверен операцияларига қўшимча равишда хусусий секторга оид янада самарали операциялар дастурини ишлаб чиқди.

(Давоми 2-бетда.)

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ



**Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 22 ноябрь куни Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши бошланди**

Мазкур тадбирнинг ўтказилиши Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда ўтган йиллик мажлисида илгари сурилган Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича Осиё тараққиёт банки ташаббуси доирасида эълон қилинган эди.

Осиё қуёш энергияси форумининг мазкур йиғилишида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида нутқ сўзлади.

(Давоми 3-бетда.)

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## Бахти бутун бўлсин ҳар бир оиланинг

Асила ая аразлаб кетган келинини уйга қайтариш учун бир неча марта қудасиникига борди. Аммо ҳарчанд уринмасин, қудалар билан муросага келолмади.

— Ўғлим, — деди Асила ая ингроқ овозда, — сен узр сўраб бормасанг, хотининг уйга қайтмасмиш. Ўзинг бориб келсангчи, болам.

Аксига олиб, Муроджон ҳам тўнини тескари кийган.

— Ахир, ойи уни уриб-сўкмасам, маошимни беҳуда сарфламасам, оилам, болаларим, деб елиб-югурсам, бир оғиз «саришталироқ бўл, мен тозаликка ўрганганман» деган гапим оғир ботиб, аразлаб ўтирибди. Қолаверса, уни ҳайдамадим, ўзи кетди, ўзи келсин, — деб қайсарлик қилди.

Қаранг-а, бугун ўғлига суд идорасидан чақирув қоғози келиб турибди. Келин алимент ундириш учун даъво қилибди. Асила аянинг безовталиги янада ошди.

> [7]

ЖАРАЁН

# ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛАНИШИ

### маҳаллалар нуфузининг янада ортишига хизмат қилади



**Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар қизғин давом этмоқда.**

Ушбу муҳим сиёсий жараёнда аҳоли фаол иштирок этиб, муносиб номзодларга овоз бераётир. Чунончи, бугун маҳаллага ким етакчилик қилиши лозимлигини ҳар бир фуқаро яхши англайди.

Андижон шаҳридаги Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини қарийб 50 йиллик тарихга эга. Етти минг нафарга яқин аҳолини бағрига олган ушбу масканнинг ўзига яраша муаммолари, қувончу ташвишлари бор, албатта.

Сайлов кунига қадар раисликка лойиқ кўрилган 3 нафар номзоднинг таржимаи ҳоли, келгусидаги режалари дастури барчага маълум қилинди. Ўша куни фуқаролар ишчи гуруҳи фаолиятига оид маълумотлардан ҳам хабардор бўлдилар. Энг муҳими, сайловга оид қонун ҳужжатлари тарғиботчилар томонидан кенг тушунтириб борилди.

> [4]

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси, унга нисбатан анъанавий имтиёз ва преференциялар қўлланмаётган бўлса-да, углеводород хомашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр энергияси билан рақобатлаша олади.

Яна бир масала. Вақти-вақти билан такрорланаётган глобал иқтисодий инқирозлар сабабларини таҳлил қилиш асносида хулоса чиқарган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларида муайян мантиқ мавжуд. Яъни, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суръатларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Шу муносабат билан қуйидаги хулосага келиш қийин эмас. 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан бизнинг биринчи навбатда энергетика соҳасида технологик тараққиётнинг янги босқичига қанчалик тез ўтишимизга боғлиқ.

Бу ўринда сўз бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини қайта тиклашга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири — анъанавий энергия ресурслари, аввалambор, нефть нархининг асоссиз равишда юқори бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан самарали фотоэлектр энергияси манбаларини оммавий равишда жорий этиш истиқболда нефть нархини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса ўзининг чекланган валюта захираларини углеводород хомашёсини четдан сотиб олиш учун сарфлашга мажбур бўлаётган ривожланаётган мамлакатларни жадал тараққий эттириш борасида рағбатлантирувчи восита бўлади. **Шундай экан, қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур.**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг кўлами ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омилларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефть-газ ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганини таъкидлаш кифоя, деб ўйлайман.

2000-2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошади ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергетикаси борасидаги салоҳияти ва мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, қуйидаги фикрларни таъкидлашни истардим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра бунинг учун ғоят қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очиқ бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир.

Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-экспериментал маркази ташкил этилганидан кейин жадал ривожлана бошлади.

Бугунги йиғилиш иштирокчилари Форум дастури доирасида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт қувватга эга бўлган гелиоконцентраторли улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга.

Ўзбекистон бугунги кунда илмий-техник, эксперимент ўтказадиган кадрлар бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича катта ҳажмдаги конструкторлик ва технологик ишланмалар тўпланган.

**«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда жорий йилда Тошкентда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли технологиялар сифатида жорий этилиши мумкин.**

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер майдони ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хомашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Ўтган йили мамлакатимизда Жанубий Кореянинг «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда «Ангрен» махсус индустриал зонасида Кореянинг «Шиндонг Энерком» компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хомашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида 2014 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, «Жиззах» махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистонда маиший ва уй-жой-коммунал соҳада, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган энергия юкини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсини тежашни таъминлайди.

Мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида ҳар йили намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,5 миллион квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингдан ортиқ якка тартибдаги замонавий уй-жойлар барпо этилаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мазкур дастур доирасида биз техник жиҳатдан илғор, қуёш энергетикаси технологиялари қўлланган, юқори энергия самарадорлигига эга бўлган уй-жойларни дунёдаги, жумладан, Европа ва Осиёдаги бу соҳада энг тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оммавий равишда қуришни кўзда тутмоқдамиз.

Биз яқин йиллар мобайнида асосан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз. Қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, **бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.**

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мана шу муҳташам залда йиғилган сиз азизларга, сизларнинг тимсолингизда замонавий тараққиётнинг юксак ва олижаноб мақсадлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Мамлакатимизда қисқа муддат меҳмон бўлишингизга қарамасдан, ўзбекона меҳмондўстликни, халқимизнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳис этасиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши ишига муваффақият тилайман.

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЕХИКО НАКАОНИНГ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, ҳудудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобиль йўллари ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ҳисобидан хусусий сектор улушини ошириш, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича комплекс дастур, замонавий ҳамда самарали энергетика секторини институционал ривожлантириш ва такомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигининг самаралари Ўзбекистондан ташқарида ҳам яхши маълум. Ўзбекистон ва ОТБнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми ошди. Бунинг натижасида Мозори Шариф ва Қобул аҳолиси электр энергияси билан барқарор таъминланди. Шунингдек, трансчегаравий транспорт алоқаси кучайтирилди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Ҳайратон орқали Мозори Шарифгача темир йўл линиясини қурди.

Қуёш энергетикасини ривожлантириш ҳам ОТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир.

Табиий газ, нефть ва кўмир каби анъанавий табиий ресурслар захиралари чекланган. Ушбу ресурслардан электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага заҳарли чиқиндилар, жумладан, буғ газлари чиқарилмоқда. Бу эса экологик тоза ва чексиз салоҳиятга эга қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Шу сабабли биз энергияга нисбатан тобора камайиб бораётган эҳтиёжни экологик тоза ресурслар, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлашимиз лозим. Шу муносабат билан мен Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов раҳнамолигидаги раҳбариятига энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мунтазам қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Зеро, углеводород хомашёсига бой Ўзбекистонда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш биринчилардан бўлиб бошланганы таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати 2010 йилда ОТБнинг кредит шаклида ажратилган 350 миллион доллар ҳажмидаги кўмаги билан юқори технологияли буғ-газ турбиналарини жорий қилишга асосланган ҳолда энергия ишлаб чиқарадиган Таллимаржон иссиқлик электр станциясида лойиҳани амалга оширишга киришди. 2011 йилда ОТБ Ўзбекистонга ўз энергетика ресурсларидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш учун 150 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди. Яқин вақт ичида Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуига қайта тикланадиган энергия манбалари ҳам қўшилади.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил Тошкентда ўтказилган 43-йиллик мажлисида Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси бошлангани эълон қилинган эди. Бундай баёнотни қабул қилиш учун Тошкентнинг танлангани бежиз эмас. Серқуёш Ўзбекистон кенг ҳудудга ва юқори малакали мутахассисларга эга мамлакат бўлгани боис минтақада қуёш энергетикасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон учун қуёш энергетикасини кенг кўламда ривожлантириш соф энергия билан таъминлаш, шунингдек, юқори малакали иш ўринларини ташкил қилиш, тадқиқотлар ўтказиш, қуёш энергетикасининг илғор тизимларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича технологик марказга айланиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида айнан шундай комплекс ёндашувни кўзда тутади. Биринчи йўналиш — бу техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг кўламли қуёш энергетикаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. ОТБ ушбу мақсадларга эришишда техник жиҳатдан кўмаклашди ва Ўзбекистонда катта ҳажмдаги қуёш энергияси салоҳиятидан фойдаланиш имкониятига эга олтитадан зиёд участка аниқланганы қувонарли ҳолдир.

Мажлис қатнашчилари Паркент туманидаги Халқаро қуёш энергияси институтини бориб кўриш имкониятига эга бўлди. ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича ўзининг иккинчи йўналиши доирасида ушбу институтни ташкил этишда техник ёрдам кўрсатди. Бу йўналиш тегишли илмий тадқиқотларни рағбатлантирадиган ва инсон ресурсларини ривожлантирадиган институтни ташкил қилишдан иборатдир. Мазкур институт кенгайиб, қуёш технологияси соҳасида тажриба алмашиш бўйича йирик марказга айланишига ишонамиз.

Инновацион молиялаштириш ва хусусий сектор иштироки Ўзбекистонда қуёш энергетикасини тез ва барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жараёнда хусусий секторнинг иштироки узоқ муддатли истиқболда қўшимча маблағ жалб қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича инновацион усулларни жорий этишга хизмат қилади.

Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Марказий Осиёда илк бор турли халқаро молия институтлари вакиллари, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар делегациялари иштирок этмоқда. ОТБ 2010 йилдан буён Осиё қуёш энергияси форумини Манила, Токио, Бангкок ва Жодхпурда ўтказган. Бу учрашувлар Осиёда қуёш энергияси салоҳиятига тааллуқли зарур маълумотлар, мавжуд технологиялар, лойиҳалар қиймати ва қуёш энергетикасини ривожлантиришга қаратилган сиёсат йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди.

Форумнинг бугунги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга эканининг яна бир сабаби бор. Биз Ислом тараққиёт банки ва Африка тараққиёт банкини Қуёш энергияси форумида илк бор иштирок этаётгани билан табриклаймиз. Африка ҳам яқин йиллар ичида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида йирик иштирокчига айланади, деб умид қиламиз. Осиё ва Африканинг айрим минтақаларида қуёш энергетикасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Бу Осиёга ҳам, Африкага ҳам мазкур соҳада ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Президент Ислом Каримовга Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ

**Тошкентда «Ижтимоий, гуманитар ривожланиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманни ўтказишдан асосий мақсад нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш ва таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнида ННТларнинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги кенг кўламли ва холис ахборотни халқаро ҳамжамиятга етказишдан иборат.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, қатор вазирлик ва идоралар томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Ф.Эберт номидаги жамғарма (ГФР), БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқи маркази (АҚШ) томонидан ташкил этилди.

Конференцияда халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТТД, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Франция, Япониядан экспертлар, миллий мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат тузилмалари, республика ҳамда ҳудудий ННТ ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ва бошқалар ННТларни ривожлантириш, давлат ва жамиятни бошқариш, мамлакатимизни демократик янгилашда уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини изчиллик билан ошириш борасида Ўзбекистонда тўпланган бой тажриба ҳақида сўз юритди.

Аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётган ва халқимиз тарихидан кенг ўрин олган мустақил ҳамда барқарор фуқаролик институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётгани, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бунда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил амалга оширилиши муҳим омил бўлмоқда. Мазкур тамойилга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва мустақил оммавий ахборот воситаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни фаоллаштиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, фуқароларга давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи берилган, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, ННТларни жадал ривожлантириш, уларнинг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишида муҳим омил бўлмоқда.

Конституциямизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид қоидаларига амал қилган ҳолда, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий асоси бўлган икки юздан зиёд қонун, давлат дастурлари қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мустақил ННТларни ташкил қилиш, ижтимоий ва гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига фуқаролик жамияти институтларининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни янада социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарорининг қабул қилиниши натижасида бу жараён янада жадаллашди.

(Давоми 3-бетда.)

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

**Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 22 ноябрь куни Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши бошланди**



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда кенг эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели» бу борадаги ишларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу моделнинг асосий мақсади кучли миллий иқтисодиётни ташкил этиш, янги юқори технологияли корхона ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежаш имконини берадиган замонавий технология ҳамда услубларни жорий қилишдан иборат. Шу боис ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш, жумладан, ресурсларни тежайдиган янги технологияларни жорий этиш ҳисобидан тараққий эттириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизнинг тўла энергетика мустақиллигига эришгани ҳам ушбу йўналишдаги ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао ўз нутқида Ўзбекистон Марказий Осиёда қуёш энергиясини ривожлантириш борасида етакчи мамлакат бўлиши учун зарур улкан ер ресурслари, қуёшли кунларга, юқори малакали ва билимли инсон ресурсларига эга эканини таъкидлади. Шу боис қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бирИдир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланди. Серқуёш ўлкамизда йилнинг 320 кундан кўпроғида қуёш чарақлаб туради. Қуёш энергиясининг йиллик салоҳияти эса нефть эквивалентида 51 миллиард тоннадан ошади. Бу қуёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш, иссиқ сув ва иситиш тизими билан таъминлаш, қудуқдан сув олиш ва уни чучуклаштириш, мева-сабзавотларни қуритиш ҳамда бошқа кўплаб мақсадларда кенг кўламда фойдаланиш имконини беради.

Мажлисда Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга экани ва бу борада самарали илмий тажриба тўплангани таъкидланди.

Мамлакатимизда қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур кўп тармоқли илмий-тажриба ва моддий-техник база самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида қуёш энергиясини ярим ўтказадиган фотоўзгартиргичларни ишлаб чиқиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш, турли мақсадларга мўлжалланган биоэнергетика манбалари, қурама гелиотехник қурилмалар, мустақил таъминот манбаларини лойиҳалаштириш, юқори ҳароратли гелиоматериалшунослик соҳасида илмий мактаблар шакллантирилган.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини фаоллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда саноат тармоқлари, шу жумладан энергетика соҳасида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Обод турмуш йили» Давлат дастури, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида энергия тежайдиган тизимларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ва бошқа дастурий ҳужжатлар энергия истеъмоли соҳасида юзага келаётган қатор масалаларни ҳал этиш, ноанъанавий энергетика ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг кўламда фойдаланиш учун янги имкониятлар яратиш, қуёш панеллари учун тегишли ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни саноатлаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

**Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб гелиотизимлар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар фаолият кўрсатмоқда. «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази, «Mir Solar» масъулияти чекланган жамияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланилмоқда. Уй-жой коммунал хўжалигида қуёш энергияси элементларини жорий этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунончи, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосида барпо этилаётган айрим уйларда қуёш ва шамол энергиясида ишлайдиган гибрид тизимлар ўрнатилмоқда. Яқин келажакда мамлакатимизнинг бориш қийин бўлган туманларида жойлашган умумтаълим ва касб-ҳунар ўқув муассасаларини ҳам қуёш энергияси элементлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда.**

100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрган форум иштирокчилари ҳам бундай технологиялардан фойдаланиш яхши самара беришини қайд этди. Улар мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги мавжуд имкониятлар ва олимларимизнинг бу борадаги энг сўнгги ютуқларини юксак баҳолади, Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан самарали ҳамкорлик қилаётганини таъкидлади.

Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазирининг биринчи ўринбосари Хан Чжин Хён Корея Республикаси Ўзбекистонда Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришга оид муҳим инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда иштирок этаётганини таъкидлади. Мамлакатимиз муқобил энергия манбалари соҳасида катта салоҳиятга эга экани эътиборга олиниб, қуёш энергетикасини ривожлантириш, шу жумладан қуёш электр станцияларини бунёд этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти олимларининг ишланмалари форум иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу ерда қаттиқ жисм назарияси, юксак технологиялар ва ярим ўтказгичлар, қуёш энергиясини ўзгартириш физикаси соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ, Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси имкониятларидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш мазкур илмий даргоҳнинг асосий фаолият йўналишларидандир. Шунингдек, қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳам институтнинг вазифалари сирасига киради.

Олимларимизнинг юқори ҳароратли материалшунослик соҳасидаги ютуқлари ҳам форум қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Экспертлар Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган 1 МВт иссиқлик қувватига эга катта қуёш печи барпо этилган «Қуёш» объектини бориб кўрдилар. «Физика-Қуёш» мажмуининг ушбу ноёб базаси қуёшни ҳар томонлама кузатиш, назарий ва тажриба тадқиқотлари билан шуғулланиш имконини беради.

— Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида улкан салоҳиятга эга, — деди Бранденбург институти президенти, профессор Клозе Эдгар (Германия). Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илғор тизимлар ишлаб чиқариш имконини берадиган технологик база мавжуд. Ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрганимиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдик. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Халқаро экспертлар қуёш энергеткасини ривожлантириш истиқболлари ва ушбу соҳадаги технологияларни тараққий эттириш борасидаги сўнгги тенденциялар ҳақида атрофлича сўз юритди. Жумладан, Севилия университети профессори Эдуардо Галваннинг (Испания) фотоэлектрик технологияларни ривожлантириш тенденциялари, интеграция ва таҳдидлар масалалари, Европа қуёш иссиқлик энергияси уюшмаси бошқаруви директори Марсел Биалнинг (Бельгия) қуёш иссиқлик энергиясининг истиқболлари, «Solar Technology Advisors» компанияси бош ижрочи директори Йорге Сервертнинг (Испания) Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, «Алстом» компаниясининг стратегия ва бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Паоло Монтресорнинг КСЭ электр энергиясининг муҳим аҳамиятига доир маърузалари тингланди.

Осиё қуёш энергияси форумининг ялпи мажлисида сўзга чиққан Халқаро қуёш энергияси институтининг директори Алим Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Саъдулла Лутфуллаев ва бошқалар Ўзбекистон олимларининг муқобил энергия манбаларини, шу жумладан, қуёш энергиясини ривожлантириш соҳасида катта ютуқлари ва ноёб ишланмаларини қайд этди.

Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўз ишини секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

# ТАШКИЛОТЛАРИ — МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Ушбу ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси давлат бюджетидан «учинчи сектор»ни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилаётган молиявий маблағларни очиқ-ошкора, манзилли ва, энг муҳими, демократик тақсимлашни таъминлашга хизмат қилмоқда, ННТлар фаолиятининг ташкилий-техник ва иқтисодий асосини мустаҳкамлаб, уларнинг барқарор ҳамда мустақил тузилма сифатида янада ривожланишига кўмаклашмоқда. Масалан, 2008-2013 йилларда грант танловларини ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш орқали фуқаролик жамияти институтларининг турли лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 28,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимояланиш ҳуқуқини, жамиятдаги ННТлар мақомини янада мустаҳкамлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур дастурий ҳужжатга биноан «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама этилди ва қабул қилиш босқичида турибди. Ушбу ҳужжатлар шахсий, ижтимоий ва давлат манфаатлари мувозанатини таъминлаш, давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш орқали давлат органлари фаолиятининг ошкоралиги ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

— «Учинчи сектор» давлат тараққиётида муҳим ўрин тутади, — деди Халқаро нотижорат ҳуқуқи маркази вице-президенти Наталья Боржелли (АҚШ). — Ташкилотимиз дунёнинг ўнлаб давлатларида маслаҳатлар ўтказади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун қудратли ҳуқуқий база мавжуд бўлиши, кўплаб жамоат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатиши, давлат ва фуқаролик институтлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши лозим. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференция қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистонда ННТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Масалан, сўнгги уч йилда ННТлар сони 22 фоизга кўпайиб, бугун олти мингдан ошди. Улар таълим, экология, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа кўплаб соҳаларда фаолият кўрсатмоқда, ижтимоий-гуманитар ривожланишга оид муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида қатнашаётган ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, ушбу танловлар ғолиби бўлган ташкилотлар сони сезиларли равишда кўпайиб бормоқда. Жойлардаги ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этишда ҳам ННТлар фаоллиги кучайди. 2012 йилда уч юздан ортиқ республика ва ҳудудий ННТлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этди. Бу 2011 йилга нисбатан икки баробар кўпдир.

Конференцияда сўнгги йилларда ННТларнинг қонунчиликни шакллантириш ва такомиллаштиришда иштирок этаётгани фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни бошқариш масаласида давлат органлари билан ижтимоий шериклигининг кенг тарқалган шакли экани ҳақида ҳам сўз юритилди. Масалан, 2013 йилда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари жамоатчилик томонидан қарийб қирқ марта муҳокамадан ўтказилди. Уларда фуқаролик жамияти турли институтларининг икки мингдан зиёд вакили иштирок этди.

— АҚШда нодавлат ташкилотлари ижтимоий йўналтирилган турли лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг ишончли ҳамкорлари ҳисобланади, — деди Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институтининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази доктори Войцех Соколовски (АҚШ). — Ўзбекистонда ҳам шундай самарали ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқдир. Мамлакатингизда ННТлар ўз ташаббусларини рўёбга чиқариш, деярли барча жараёнлар, шу жумладан, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятига эга.

Миллий экспертлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Экологик ҳаракат, Касаба уюшмалари федерацияси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби ННТлар илғор тажрибага эга эканини қайд этди.

**Мисол учун, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятининг сайланадиган вакиллик ҳамда бошқа органлари фаолиятида кенг иштирокини таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган фармонига мувофиқ, Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган. Сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилган.**

Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда 2008 йил 2 августда ташкил қилинган Ўзбекистон Экологик ҳаракати катта ҳисса қўшмоқда. Бугун Экологик ҳаракат «Соғлом атроф-муҳит — соғлом инсон» шиори остида мамлакатимизнинг минглаб фуқароларини ўз сафида бирлаштирган, икки юздан ортиқ ННТлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатларини бугунги ва келажак авлодларнинг қулай атроф-муҳитда ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлаш, аҳоли саломатлигин яхшилаш, мавжуд табиий ресурсларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга сафарбар этмоқда. Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат аъзоларига ўн бешта депутатлик ўрнининг ажратилиши улар фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш имконини берди.

Гавр шаҳри университети профессори Пьер Шабалнинг (Франция) сўзларига кўра, Францияда нодавлат ташкилотлари ассоциациялар деб аталади ва уларга мансублик ўзига хос фуқаролик бурчи ва инсоннинг ижтимоий фаоллик кўрсаткичи ҳисобланади. «Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларда, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларида бирлашиш орқали иштирок этиши учун зарур имкониятлар яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим», деди П.Шабаль.

Тадбирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва рўй бераётган ўзгаришларни ўрганаётган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш ишларида фаол қатнашаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур институт амалга ошираётган мониторинг натижалари фуқаролик жамияти институтларининг нуфузи йил сайин ортиб бораётгани, долзарб социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Яко Силлерснинг таъкидлашича, Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташкилотларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламлари ҳамда ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги яқин ва самарали ҳамкорлиги юксак самаралар бераётир. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги ушбу ижобий жараён бундан буён ҳам давом эттирилиши ғоят муҳимдир.

Тадбирнинг хорижий иштирокчилари фикрига кўра, Ўзбекистонда ННТлар ўзининг катта салоҳиятини намойиш этмоқда, уларнинг фаоллиги ва масъулияти, жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда давлатнинг тенг ҳуқуқли шериги бўлишга тайёрлик даражаси ошмоқда. Анжуман давомида мутахассислар мамлакатимизнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари, ННТларни соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа жабҳалардаги ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишга қаратилган муҳим дастурларни амалга оширишга жалб қилиш бўйича миллий тажриба билан танишиш имконига эга бўлди.

Амалий мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган анжуманда Ўзбекистоннинг ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантиришда бой тажрибага эга экани ҳамда бу бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган якдил фикрга келди. Улар мазкур конференция ўз вақтида ўтказилгани ва долзарблигини, Ўзбекистонда ННТлар аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Тадбир якунлари бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири.

БУНЁДКОРЛИК

## Қурилиш техникалари ярмаркаси

**Жиззах шаҳрида қурилиш техникалари ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Унда республикамиздаги етакчи лизинг компаниялари ўзларининг қурилиш техникалари ва асбоб-ускуналари намуналарини ҳамда уларни етказиб бериш бўйича хизмат турларини намойиш этди.

«Ўзқурилишлизинг» компанияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада «Ўзбеклизинг», «Ўзавтосаноат лизинг», «Ўзбек — Хитой» савдо уйи, «AMKODOR — Тошкент», «HYUNDAI», «CIH International» лизинг компанияларининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Замонавий қурилиш техникалари ва асбоб-ускуналар ярмаркага келган қурилиш корхоналари, коммунал, буюртмачи, пудратчи ташкилотлар, тижорат банклари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Тақдимотда лизинг компаниялари вакиллари томонидан техника ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш шартлари, имтиёз ва имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Вилоятда қурилиш кўламининг йил сайин кенгайиб бораётгани қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарига бўлган талабни ҳам оширмоқда, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Соатов. — Айниқса, шаҳар ва туманларда уй-жой, саноат бинолари, «Жиззах» махсус индустриал зонасидаги йирик саноат иншоотлари барпо этилаётгани қурилиш корхоналари моддий-техник базасини замонавий техникалар билан жиҳозлашни тақозо этаётир. Бундай ярмаркалар эса қурилиш ташкилотлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

ЖАРАЁН

# ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛАНИШИ

## маҳаллалар нуфузининг янада ортишига хизмат қилади




< [1]

**Жиззах вилояти**да фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови 12 ноябрь куни бошланган эди. Шундан буён вилоятдаги 170 дан зиёд фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

Зарбдор туманининг Эски Бўстон шаҳарчасидаги «Дўстлик» маҳалласида сайлов муқобиллик асосида ўтказилди. Ҳududдаги кўчалар ва кўп қаватли уйлардан сайланган 60 нафар вакилнинг тўлиқ иштирокида раисликка номзоди кўрсатилган уч нафар фуқаро йиғилганларни ўзларининг келгуси дастурлари билан таништирдилар.

Номзодлар тўғрисида ҳар бир сайловчининг ўз фикри бор. Кўпчилик овоз бериши учун номзодлар қонунда кўрсатилган талабларни ўзида мужассам этиши лозим. «Дўстлик»да ҳам худди шундай бўлди. Энг муҳими, вилоятда ҳозиргача фуқаролар йиғинлари раислигига янги сайланганлар орасида олий маълумотли, кўп йиллик тажрибага эга кишилар кўпчиликни ташкил этаётгани сайловчиларнинг талабчанлиги ошганини кўрсатади.

**Наманган вилояти**да ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар уюшқоқлик билан, юқори савияда ташкил этилмоқда. Вилоят марказидан тортиб, энг чекка ҳудудларгача бу муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилгани амалда ўз исботини топяпти. Хусусан, Норин туманидаги «Катта Ўлмас» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун сайловчиларнинг 52 нафар вакили Ҳаққулобод тиббиёт коллежида жам бўлишгач, ишчи гуруҳи раиси Азизбек Мамадалиев «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири ҳамда сайловни ўтказиш тартиб-қоидалари ҳақида иштирокчиларга яна бир бор эслатма берди.

Жараённи расмийлаштириб бориш учун котиб, раёсат аъзолари, саноқ комиссияси таркиби аниқлангач, маҳалла оқсоқоллигига тавсия этилган 2 нафар номзод йиғилганларни ўз дастурлари билан таништирдилар.

Катта Ўлмаслик сайловчилар вакиллари ҳам кўп жойлардаги каби очиқ овоз бериш тартибини танладилар ва муносиб номзодга овоз бердилар. Шундан сўнг, муқобиллик асосида рўйхатга олинган 18 нафар номзоднинг ҳар бири алоҳида овозга қўйилиб, улардан 9 нафари раис маслаҳатчиси этиб сайланди.

Шунингдек, Мингбулоқ, Наманган, Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон каби туманларда ҳам сайловлар ана шундай кўтаринки кайфиятда, белгиланган тартиб-қоидалар асосида ташкил этиляпти. Бунда демократиянинг муҳим уч тамойили: муқобиллик, очиқлик ва тенг сайлов ҳуқуқи устуворлик қилмоқда.

**Сурхондарё вилояти**да ҳам сайлов юқори савияда ўтказилмоқда.

— Бу жараён халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Иброҳим Ёқубов. — Шу боис сайловчилар бу масалага катта масъулият билан ёндашаётир. Жойларда ташкилотчи, обрў-эътиборли, етарли ҳаётий тажрибага эга ва ҳар томонлама муносиб номзодларни сайлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Термиз шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳаллада 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда сайловга пухта ҳозирлик кўрилди. Ишчи гуруҳ раис ва унинг маслаҳатчиларига номзодлар ҳақидаги таклифларни шаҳар ҳокимлиги билан келишиб, сайлов ўтказиладиган жой ва сана ҳақида аҳолини хабардор қилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига уч кишининг номзоди қўйилганди. Улар ҳаёт тажрибасига эга, тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган, аҳоли ўртасида ҳурмат қозонган кишилардир. Номзодлар таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти алифбо тартибида таништирилди. Вакиллар энг муносиб номзодга овоз беришди. Шу куни раиснинг 7 нафар маслаҳатчиси ҳам сайланди.

**Тошкент вилояти**нинг Паркент туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловда ҳам қонун устуворлиги таъминланди. Бунда сайловгача бўлган тайёргарлик ишларининг аҳамияти катта. Жумладан, кўмаклашувчи комиссия, ишчи гуруҳи аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида кўплаб йиғилишлар, тадбирлар ўтказилди.

Уч минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ушбу масканда кейинги йилларда кўплаб намунавий уй-жойлар қад ростлагани, янги ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилиб, аҳолининг турмуши янада фаровонлашгани инобатга олиниб, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчисилигига бугунги кун талабига ҳар жиҳатдан мос номзодлар кўрсатилди.

— Йиғинимиз тумандаги обод масканлардан бири эканидан фахрланаман, — дейди Элдор Алматов. — Шу боис зиммамдаги масъулиятни тўғри англаб, сайловда фаол иштирок этдим. Номзодларга алоҳида эътибор қаратдим. Улар орасидан маҳалламиз ҳаётини чуқур таҳлил қила оладиган, ҳаммамизни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган инсонга овоз бердим.

**Қашқадарё вилояти**да ҳам сайлов ўтадиган барча фуқаролар йиғинлари биноларида сайловдан камида беш кун олдин номзодлар ҳақидаги ахборотлар осиб қўйилмоқда. Бу эса аҳолининг номзод ҳақида янада тўлиқроқ тасаввурга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

Шаҳардаги «Чақар» маҳалла фуқаролар йиғинида 5 минг 421 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 3 минг 162 нафари бу йил 18 га тўлган ёшлардир. Мазкур фуқаролар йиғини раислигига 4 нафар ва унинг маслаҳатчиси лавозимига 18 нафар фуқаро номзоди кўрсатилган эди. Сайлов куни 59 нафар вакил уларнинг орасидан энг муносибларини танлаб олиш имкониятига эга бўлди.

Фуқаролар йиғини раиси ҳамда 9 нафар маслаҳатчи сайланди. Келгусида улар фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилиши инобатга олинган ҳолда, сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилди.

**Фарғона вилояти**да бу йилги муҳим сиёсий жараёнда фуқаролар фаоллиги сезиларли даражада ошган. Зеро, кўпчиликнинг фикрлашиб чиқарган тўғри хулосаси маҳалла ривожи, ободлиги ва аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Фарғона шаҳридаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари учун сайлов бўлиб ўтди. 2,5 минг нафар сайлаш ваколатига эга фуқаролардан 100 нафар вакил тасдиқланиб, жараёнда уларнинг 80 нафари жамланди. Сайлов ўтказиладиган 2-умумтаълим мактаби биноси ва маҳалланинг гавжум жойларига раисликка номзод 3 нафар фуқаронинг суратлари, таржимаи ҳоли, дастури илиб қўйилган.

— Сайловчилар номзодлар ва сайловга оид қонун ҳужжатлари билан батафсил танишишлари учун керакли шароитларни яратишга ҳаракат қилдик, — дейди йиғиннинг ишчи гуруҳ раҳбари Равза Эргашева. — Бу сайловлар аввалгиларидан анча фарқ қилишини инобатга олиб, аҳоли ўртасида номзодларни танлаш ва қўллаб-қувватлашда ошкоралик, холисликни таъминлашга интилдик. Вакилларнинг ҳаётий тажрибага эга, ибратли оила вакиллари, шунингдек, билимли ва фаол ёшлардан иборатлиги муносиб номзодларни сайлашда қўл келди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона шаҳар бўлинмасидан олинган маълумотга кўра, шу пайтгача 20 дан зиёд фуқаролар йиғинида жараён ўз поёнига етган.

**Хоразм вилояти**да ҳам бу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани, айниқса, ишчи гуруҳларнинг фаоллиги айни кунларда ўтаётган сайловларда яққол намоён бўлаётир.

— Ҳозиргача 228 та фуқаролар йиғинида сайлов бўлиб ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Қурбонбой Дўстматов. — Сайловчиларнинг фаоллиги, уларнинг номзодларга очиқ-ойдин, ошкора муносабат билдиришлари бу муҳим жараённи ҳар томонлама муваффақиятли ўтишини таъминламоқда.

Урганч шаҳридаги «Гулшан», «Юқорибоғ», Урганч туманидаги «Ҳалаб», Боғот тумани Хитой қишлоғидаги «Кўна бирлашув», Хива тумани Оқёп қишлоғидаги «Қибла тозабоғ», Хонқа тумани Олажа қишлоғидаги «Ойдин ҳаёт», Гурлан тумани Вазир қишлоғидаги «Қанғли», Қўшкўпир тумани Ўзбекёп қишлоғидаги «Амирқуш», Янгиариқ туманидаги «Гулланбоғ» маҳалласи аҳли йиғин раисларини ҳамда уларнинг маслаҳатчиларини сайлаб бўлдилар.

Шунингдек, Шовот тумани Чиғатойқалъа қишлоғидаги «Бўстон» маҳалласи аҳли баҳс-мунозаралар, очиқ-ошкора фикрларига бой ўтган сайловда ўзлари ишонган раис ва маслаҳатчиларга овоз берди.

**Тошкент шаҳри** Юнусобод туманидаги «Минг ўрик» маҳалласида ўтган сайлов аниқ тизим асосида амалга оширилди. Шинам маҳалла гузарининг ушбу тадбирга шай ҳолатга келтирилишида кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳи аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор.

Тадбирни ишчи гуруҳ аъзоси, ҳудуддаги 105-умумтаълим мактаби директори Наргиза Каримова олиб борди. Фуқаролар вакилларининг таклифларига таянган ҳолда, уч нафар одам саноқ комиссияси аъзолигига тасдиқланди. Сўнгра фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар рўйхати ўқиб эшиттирилди.

Номзодлар ўз дастурлари ҳақида батафсил тўхталдилар. Шундан сўнг овоз бериш жараёни бошланди. Кўпчилик фикри инобатга олинган ҳолда, очиқ овоз бериш йўли танланди. Номзодлар алифбо тартибида овозга қўйилди.

Саноқ комиссиясининг хулосасидан сўнг маҳалланинг янги раиси таништирилди. Шундан кейин унинг маслаҳатчилари ҳам шу тартибда аниқлаштирилди.

*Хуллас, янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ўтказилаётган сайловларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, ҳалол, аҳолини ўз ортидан эргаштира оладиган, салоҳиятли номзодлар сайланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллалар нуфузини янада оширишга хизмат қилади.*

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

# МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ

## демократик қадриятларга асосланган




< [1]

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, раислар ва маслаҳатчиларнинг энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ғояси илгари сурилганди. Қонун ушбу таклифлар асосида янги таҳрирда қабул қилинди.

Ҳозирда юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу қонун асосида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда. Бу йил мамлакатимизда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қонунда қатор янгиликлар жорий этилган. Энг аввало, илгариги қонун 31 та моддадан иборат бўлган бўлса, эндиликда ундаги моддалар сони 33 тани ташкил этади.

Янги таҳрирдаги қонунда сайловнинг учта асосий принципи, яъни ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи белгиланган. Жорий этилаётган муқобиллик принципи сайловларда номзодларнинг икки ва ундан ортиқ бўлишини тақозо этади.

Шунингдек, сайловларни ўтказишда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонундаги муҳим янгиликлардан бири агар фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда, раис ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан сайланиши мумкин. Бу, албатта, сайловларни ташкил этишда қулайлик яратади ва фуқаролар вакилларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Қонунда сайловларга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилди. Сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Сенат Кенгаши томонидан тегишли қарор қабул қилинади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар Сенат Кенгаши қарорига асосан тузилиб, улар сайловни қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этади ва ўтказади.

Шунингдек, сайловга кўмаклашувчи вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Уларни зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, аҳоли ўртасида сайловни ўтказиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этиш, сайловларнинг боришини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш, фуқароларнинг масалага алоқадор мурожаатларини кўриб чиқиш каби вазифаларни бажаради. Сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштиради ва уни кенг жамоатчилик эътиборига етказади.

Айни кунларда жойларда ўтаётган сайловларга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар томонидан катта тайёргарлик кўрилганини кузатиш мумкин. Зотан, қонунда сайловга кўмаклашувчи комиссияларнинг халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгаши қарори билан тузилиши белгилаб қўйилган. Комиссиялар юқорида айтилган ваколатлар билан бир қаторда, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ижросини таъминлайдилар. Эндиликда комиссия ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги нормасини белгилайди. Шуниси муҳимки, сайловга кўмаклашувчи Сенат Кенгашининг комиссияси ва жойлардаги комиссиялар сайловни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш даврига тузилади.

Сайловларни ташкил этиш бўйича авваллари фуқаролар йиғини қарори билан сайлов даври учун ишчи гуруҳи тузиларди. Янги таҳрирдаги қонунга кўра, эндиликда ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини билан бир қаторда, фуқаролар вакиллари йиғилиши қарори билан ҳам тузилиши мумкин. Бироқ кейинги сайлов эълон қилиниши билан у ўз фаолиятини тугатади. Бундан кўринадики, сайловга оид барча ишлар кўмаклашувчи комиссиялар томонидан олиб борилади.

Ишчи гуруҳи асосан сайловнинг бошланғич ташкилий ишларини таъминлайди. Масалан, фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди. Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олади ва баённома тузади.

Номзодлар бўйича таклифларни ҳам айнан ишчи гуруҳи тайёрлайди. Раис лавозимига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда тайёрланади. Эндиликда номзодлардан ёзма розилик талаб қилинади. Бу ҳам сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлайди.

Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси вазифасига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг асослантирилган хулосаларини тегишли комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олгач, сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди. Ушбу норма аввалги қонунда йўқ эди.

Шу ўринда ишчи гуруҳи билан боғлиқ янгиликни айтиб ўтиш жоиз. Эндиликда фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) амалдаги раис томонидан эмас, балки ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида ўтказилади. Раислик қилувчи номзодларни эълон қилиш билан бирга, уларга сўз беради, дастурларини ҳавола этади.

Маълумки, раис ва унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Раислик қилувчи номзодларни алифбо тартибида овозга қўяди. Ва, албатта, овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Сайлов чоғида қонунбузилишларга йўл қўйилган бўлса, унинг натижалари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Шунингдек, қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида такрорий овоз бериш ҳамда такрорий сайлов қоидалари, бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш, сайлов натижалари устидан шикоят қилиш тартиби, сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғини органларини шакллантириш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳолатлари белгиланган.

Бугун сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти билан бирга, сиёсий фаоллиги ҳам ошган. Бу табиий жараён. Чунки ўтган йиллар мобайнида халқимизда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида юксак билим, демократик сайлов ўтказишда муносиб кўникма ҳосил бўлди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш билан бирга, маҳаллалар фаолиятини янада такомиллашишига, пировардида аҳоли турмушининг бундан ҳам обод бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

# ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**Ҳар бир маҳалланинг нуфузи ва эртаси халқ томонидан сайланган раиснинг юксак салоҳияти, эл-юрт ўртасидаги обрўйи, катта ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлигига боғлиқ.**

Шундай оқсоқоли бор эл, албатта, файзли бўлади. Негаки, улар халқ билан ҳамжиҳат, шу азиз Ватан равнақини ўзларининг фахри, деб биладилар. Шунинг учун ҳам сайлов жараёни муҳим аҳамиятта эга.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Навоий вилоятида ҳам қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси тузилиб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бугунги демократик жараёнларда сайловнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, аввалambor, бўлажак маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари эл орасида юксак обрўли, халқ ишончини оқлаган, ўз маҳалласи тараққиёти учун фидойилик кўрсата оладиган кишилар орасидан сайланиши лозим.

— Фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайловини олдинги сайловларда орттирилган тажрибага асосланиб, уюшқоқлик ва юқори савияда ташкил этмоқдамиз, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Лочин Облоқулов. — Бунинг учун вилоятимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё этилган. Жумладан, шу кунгача халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг навбатдаги сессиялари ва вакиллик йиғилишлари кун тартибларида сайловга оид зарурий ҳужжатлар тасдиқланиб, ижрога киритилди. Ишчи гуруҳлар ҳудудларга бириктирилиб, сайлов жараёнини таҳлил-мониторинг қилиб борувчи вилоят штаби тузилди. Асосий мақсадимиз — бўлажак сайловларда халқимиз орасидан энг муносиб номзодларни саралаб олишдан иборат.

Сўнгги йилларда вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролар йиғинларига алоҳида бинолар ажратилиб, самарали фаолият олиб бораётган 340 таси телефон, компьютер воситалари ва мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Навоийда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан сайловдан сайловгача фуқаролар йиғинларини алоҳида бинолар билан таъминлаш, маҳалланинг жамиятдаги ролини янада ошириш ва улар фаолиятини кучайтириш борасида бажарилган ишлар таҳсинга лойиқ.

Обод турмуш йилида вилоятда жами 9 та, жумладан, Нурота туманидаги А.Навоий номли, «Истиқбол», Хатирчи туманидаги «Хонақа», «Хўжақулобод», «Чечак ота», «Янгиработ», Мирзо Улуғбек номли, Навбаҳор туманидаги О.Фармонов номидаги, Кармана туманидаги «Варқ» ва «Дўстлик» фуқаролар йиғинлари бинолари янгидан барпо этилган бўлса, 20 таси қайтадан таъмирланди, 43 тасига компьютер жамланмаси ва 78 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар кўламини кенгайтириш изчил давом эттирилмоқда.

Модомики, шу азиз Ватан фарзанди эканмиз, ҳар биримиз элим, юртим, деб ёниб яшашимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида фаол иштирок этиб, сайловларда муносиб номзодларга овоз беришимиз зарур.

Абдумажид ЖЎРАЕВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Навоий вилоят комиссияси аъзоси.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# ҚАДИМ ҚАДРИЯТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИНЪИКОСИ




**Ижтимоий шериклик азалдан халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб келган. Маҳалла тизимининг юзага келиши ҳам аслида ҳамжиҳатликка эришиш, ўзаро кўмаклашиш, меҳр-оқибат, тинч-тотув яшаш, ижтимоий шериклик асосида иш юритиш эҳтиёжидан туғилган. Халқимизнинг ушбу эзгу қадрияти истиқлол йилларида ўзининг ҳуқуқий тасдиғини топмоқда.**

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамиятлари институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаси, фаолияти тамойиллари, шакллари ва йўналишларини, ушбу фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамлар кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштириш, давлатимиз томонидан йўлга қўйилган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларни жонлантириш, ёш авлод тарбиясига комплекс ёндашиш сингари қатор Низомий вазифаларни амалга оширишда сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, тегишли идора ва ташкилотлар билан қатор ижтимоий шериклик муносабатлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятимизнинг барча маҳаллаларида «Маънавият ва маърифат» кенгашлари тузилди ва Фонд томонидан барча тегишли меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар билан таъминланди. Ушбу кенгашларга маҳаллаларда истиқомат қиладиган зиёли ва узоқ йиллик ҳаётий тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилди. Улар томонидан жойларда Президент асарлари, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, юртимизга қаратилган мафкуравий хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош этиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаш каби долзарб мавзуларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, олимлар ва ижодкорлар иштирокида жойларда кўплаб учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш масалаларига оид «Соғлом она — соғлом бола», «Соғлом фарзанд — келажак пойдевори» мавзуларида «Саломатлик институти» вилоят филиали шифокорлари, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят тиббиёт бирлашмалари ҳамкорлигида эслатмалар ишлаб чиқилди.

Бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш йўли билан қишлоқ жойларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳасини амалга ошириш ва экологик ҳолатини яхшилашда мутасадди ташкилотларга яқиндан кўмак берилаётир.

Маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилаётган хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар берилганини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий шериклик асосида жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда 7000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Хусусан, Ургут туманидаги «Почвон», Нарпай туманидаги Норбўта Ўринов номли, Пастдарғом тумани «Қорағуппа» маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожантириш орқали жорий йилнинг ўзида 50 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди. Бундай мисолларни вилоятимизда кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, бўлимимиз бир қатор ташкилотлар, хусусан, вилоят «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Бандликка кўмаклашиш маркази, Соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, ФҲДЁ органлари, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази билан ижтимоий шериклик асосида иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказиш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш борасида йўлга қўйилган ижтимоий шериклик қўл келаётир.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида уч томонлама шартномаларни имзолашнинг йўлга қўйилишида ҳам маҳалланинг ижтимоий шериклик асосида амалга ошираётган ишлари катта аҳамият касб этмоқда. Жойларда фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, корхона ва ташкилотлар билан суҳбат ва учрашувлар, бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари уюштирилмоқда.

Ижтимоий шериклик асосида йўлга қўйилган хайрли ишлар самараси ўлароқ, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг аҳволи яхшиланмоқда, рўзғорлари бутланиб, турмушлари фаровонлашмоқда.

Вилоятда ижтимоий шериклик муносабатларининг яна бир жиҳатини ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш сингари амалий ишлар кўлами ҳам белгилайди.

Хуллас, айни пайтда маҳалла институти бошчилигида кўплаб ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосида фаолият юритаётганини азалий қадриятларнинг янгича талқини, дейиш мумкин. Чунки кўлами тобора кенгайиб бораётган ижтимоий шериклик муносабатлари барча туманларда ривожланиб, халқимизнинг қадимий удумларидан бўлган меҳр-оқибат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, хайр-саховат каби фазилатларнинг бардавом бўлишига хизмат қилмоқда.

**Шавкат ЖОНИҚУЛОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ



**Олот туманида бирмунча зах ва шўрхок ерлар кўп. Шу боис қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил олиш осон эмас. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир кун, ҳар бир соат деҳқон учун алоҳида синовдир.**

Зиёдулла фермер далада тобланган миришкорлардан. У «гиёҳ унмайди»га чиққан қўриқ ерларни фермер хўжалиги тасарруфига ўтказдию, бир-икки йил ичида унумдор майдонга айлантирди.

Фермер жорий йили давлатга дон ва пахта сотиш шартномавий режаларини ошиғи билан бажариб, 350 миллион сўмга яқин даромад олди. Бу эса тармоқни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Эндиликда у нафақат тажрибали фермер, балки ишнинг кўзини биладиган тадбиркор сифатида ҳам танилди. Зиёдулла Соатовнинг қишлоққа саноатни олиб кириши унинг ташаббускорлигидан далолатдир.

Фермерлик фаолиятини 1995 йилда чорвачилик йўналишида атиги 16 бош қорамол парвариши билан бошлаган З.Соатовнинг оғилида бугун жами 74 бош қорамол, жумладан, 25 бош соғин сигир бор. Аввалига мижозларга фақат гўшт ва сут етказиб берган фермер, кейинчалик ушбу маҳсулотларни қайта ишлашга киришди. Дастлаб 2004 йилда кунига 100 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга кичик цех очиб, аҳолига пишлоқ ва сариёғ маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйган бўлса, кейинчалик банк кредити ва ўзининг сармояси ҳисобига кунига 200 килограмм гўштни қайта ишловчи технология сотиб олди. Бугунга келиб ушбу цех маҳсулотлари нафақат Олот, балки қўшни Жондор ва Қоракўл туманлари бозорларида ҳам ўз харидорларига эга.

Фермер изланишда давом этиб, унни қайта ишловчи замонавий тегирмон харид қилди. Айни пайтда унинг ёрдамида чиқарилган ундан хуштаъм нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Туман бозорлари, савдо расталарида «Зафар» ёрлиғи остидаги сифати кафолатланган, арзон нархли дудланган колбаса, пишлоқ, қолипли нон, шунингдек, турли хилдаги ширинликлар жуда харидоргир. Тиниб-тинчимас тадбиркор ишлаб чиқараётган ушбу маҳсулотлари учун 2011 йилда халқаро сифат сертификатини ҳам қўлга киритди.

Тадбиркорлик туфайли топилган даромад корхонанинг барқарор фаолият юритиши, шунинг баробарида 25 нафарга яқин ишчининг моддий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Бизнесда ишлаб чиқариш билан бирга маркетинг ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди тадбиркор. — Шу боис келгуси йилда қишлоғимизда ўз маҳсулотларимизни сотишга мўлжалланган савдо мажмуасини барпо этмоқчимиз.

Зиёдулла Соатов ўзи истиқомат қилаётган «Бўрибек Чандир» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг фаол аъзоси. Ўтган уч йил мобайнида ҳудудда йигирмадан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Комиссия томонидан ишбилармонлик билан шуғулланиш истагидаги кишиларга ўз бизнес режасини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилаётир.

— Ҳудудимизда 2500 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Беҳбуд Мансуров. — Тадбиркорлар кўпайган сари кам таъминланган оилалар сони ҳам қисқараётир. Бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳалладошларимиз бармоқ билан санарли. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ички имкониятлар, ҳомийлар мададидан унумли фойдаланяпмиз.

Дарҳақиқат, яқинда комиссия ташаббуси ҳамда саховатпеша фермерлар кўмагида эҳтиёжманд оилаларга ўттизтадан парранда бепул тарқатилди. Бундай саъй-ҳаракатлар уларнинг турмуш даражаси яхшиланишига, қолаверса, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари мўллигини таъминлашга хизмат қилади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари**

Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида *(фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси)* маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2013 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

# Зулфияхонимнинг муносиб издошлари

**Қарши шаҳрида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига асосан таъсис этилган мазкур мукофот иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, ижодий, интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини янада юксалтириш, истеъдодини тўла намоён этишида муҳим омил бўлмоқда.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган 1350 нафар қиз қатнашган бўлса, уларнинг 75 нафари вилоят босқичида ўз истеъдодини намойиш этди.

Якуний натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган 15 нафар қиз танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Истеъдодлар ҳамма даврларда ҳам бўлган, лекин улар ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмаган, — дейди танловнинг адабиёт йўналиши бўйича ғолиби шаҳрисабзлик Садоқат Нарзуллаева. — Мустақил Ўзбекистонимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намойиш этиши, энг муҳими, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-ўсиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бунинг учун барча қашқадарёлик ёшлар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# РЎЗҒОРИДА БАРАКА ВА ДАРОМАДИ КЎП



**Қишлоқ аҳолисининг аксарияти бугун томорқасида рўзғорбоп маҳсулотлар етиштиришнинг ҳадисини олган. Айниқса, ортиқчасини бозорга чиқариб, ҳалол даромад эвазига оиладаги тўкин-сочинлик, орзу-ҳаваслар рўёби ҳамда фарзандлар бахту камолини кўраётган миришкорлар юртимизда кўплаб топилади.**

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида ҳам ана шундай омилкорлар талайгина. Мазкур туман ғаллачилик, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришда нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам муносиб ўринга эга. Шу боис бу ерда қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳалари бўйича ўзига хос тажриба мактаблари шаклланган. Айниқса, картошкачиликда тайлоқликларга етадигани йўқ.

— Юртбошимиз раҳнамолигида аҳолини арзон, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар туманимизда ҳам жадал тус олган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тайлоқ тумани бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи Муртазо Мавлонов. — Туманимизда ҳар бир хонадон ўз томорқасини қўшимча даромад манбаига айлантирган.

Ҳар бир ҳовлида рўзғорбоп экинлар билан бирга, сотиш учун картошка ва пиёз ҳам етиштирилади. Иқлим шароитимиз картошкадан юқори ҳосил олиш имконини беради. Жорий йилда ҳудудда 3850 гектар майдонга картошка экилди. Об-ҳавонинг мўътадил келганидан унумли фойдаланган миришкор деҳқонлар 90 минг 107 тонна ҳосил йиғиштириб олишди. Унинг 7178 тоннаси Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги ярмаркаларда сотилди, 70486 тоннаси эса ички бозор, истеъмол ва захира учун сақлаб қўйилди.

Баракали тупроққа уруғ қадаб, мўл ҳосил олишни уддалаган тайлоқликларнинг рўзғорлари тўкин ва обод. Бунда тумандаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

— Маҳалламиздаги беш юз мингдан зиёд хўжаликда 3 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Содиқ Каримов. — Ҳудудимизда турли сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштирилади. Бизда бир қарич ер ҳам бўш қолмайди. Йил давомида кундалик харажатлар томорқадаги турли экинларни сотиш орқали қопланади. Шу боис маҳалламизда ишсиз одамнинг ўзи йўқ.

Насриддин Ўрозов маҳалланинг тажрибали деҳқонларидан. У бир умр ер билан тиллашиб, оилавий тотувликни меҳнатдан топиб келмоқда.

— Тер тўкиб меҳнат қилиш ва унинг самарасини кўриб яшашнинг гашти ўзгача, — дейди у. — Ер — бамисоли хазина. Унга меҳр билан қадалган кўчат кутилганидан ҳам кўпроқ ҳосил беради. Қувонарлиси, маҳсулотни қаерда сотаман, деб ўйланмаймиз. Биз учун бозорларда барча шарт-шароит муҳайё. Бундан нафақат биз, балки эл-юрт ҳам бирдек мамнун. Фарзандларимиз ёшлигидан меҳнатга ўрганиб, ернинг, вақтнинг қадрига етадиган инсон бўлишмоқда. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Соҳибкор деҳқонларимизнинг меҳнати ҳисобига бугун бозорларимизда арзончилик, дастурхонимиз тўкин, хонадонимизга қут-барака ёғилган. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

БАЙНАЛМИНАЛ МАҲАЛЛА

# ҲАММА БИР-БИРИГА ОҒА-ИНИДЕК ҚАДРДОН




**Бош Қомусимизнинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», дея мустаҳкамлаб қўйилган.**

Ушбу конституциявий асоснинг амалдаги ижросини юртимизнинг сўлим маҳаллалари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Катта Чилонзор — 1» маҳалласида 2,7 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўп миллатли бу масканда ҳар бир тадбир ҳамжиҳатликда ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ошкоралик асосида овоз беришди.

— Маҳалламиз одамлари ака-ука, опа-сингил бўлиб яшашгани сабабли уларнинг қайси миллатга мансублигини фарқлаш қийин, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дариха Хидиралиева. — Тўй ўтказадиган бўлсак, ҳеч бир киши четда қўл қовуштириб ўтирмайди. Барча енг шимариб, ёрдамга шай туради. Маърака, маросимларда ҳам бир-бирига елкадош мададкор бўлишади. «Бу урф-одатлар менга ёт» деган тушунчадан бутунлай йироқ.

Дарҳақиқат, бу масканга ташриф буюрсангиз, одамларнинг бир-бирига муносабатини, самимиятини кўриб, ҳавасингиз ортади. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳудудда корейс ва инглиз тили ўқув курслари ташкил этилган. Ёшларнинг деярли барчаси ушбу тўгараклар аъзоси. Бундан ташқари, ҳудуддаги 103- ва 66-умумтаълим мактабларида спортнинг футбол, теннис, каратэ йўналишлари бўйича тўгараклар фаолият юритмоқда. Уларда рус, корейс, татар, ўзбек, тожик миллатига мансуб болалар оға-инидек иштирок этишади.

Диққатга сазовор яна бир жиҳати шундаки, қардош миллат вакиллари бир-бирлари билан қуда-андачилик муносабатлари орқали ўртадаги меҳр-оқибат риштaларини мустаҳкамлашган. Кўпмиллатли маҳаллани катта бир оилага қиёслаш мумкин. Чунки бу ерда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, қувончу ташвишлари барчанинг эътиборида. Халқимизга хос инсонийлик фазилатлари, бағрикенглик ва саховат маҳалла ҳаётида ўз ифодасини топади.

— Маҳаллага эндигина кўчиб келганимизда эшик тақиллаб қолди, — дейди Виктория Корниненко. — Ҳайрон бўлдим. Қарасам, бир ўзбек аёли қўлида дастурхон ушлаб турибди. Яқинда кўчиб келишди, ҳали овқат қилишга шароити йўқдир, дея қўшнимиз ош билан нон олиб чиққан экан. Бундан бошим кўкка етди. Қўшнимнинг берган оши ҳаётим давомида мен татиган энг лаззатли таомдир.

Ҳа, ҳамжиҳатликда яшаганга нима етсин! Одамларнинг аҳил-иноқлиги, жонкуярлиги маҳалладаги тинчлик-тотувлик пойдеворидир.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»

АНЖУМАН

# ФАОЛ ИШТИРОК ВА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР



**Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ушбу соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш, тилсиз ёвнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга доир салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни соҳадаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва тартибга солишда муҳим омил бўлаётир.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ томонидан «Ёнғин хавфсизлиги ойлигини эълон қилиш ва ойлик давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда, аввало, республика ҳудудида жойлашган шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларини, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда тизимда бажарилиши кўзда тутилган бошқа ишлар ҳақида атрофлича гап борди. Шунингдек, сўзга чиққанлар соҳада амалга оширилаётган изчил тадбирларга батафсил тўхталдилар.

Анжуманда таъкидланишича, амалга оширилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 8 минг 693 та ёнғин ҳолати бошланғич жараёнида бартараф этилиб, 139 нафар фуқаронинг қутқарилишига, 107 миллиард сўмдан ортиқ моддий бойликлар сақлаб қолинишига эришилди. Содир бўлаётган умумий ёнғинларнинг кўпи аҳоли турар-жойларига тўғри келаётгани инобатга олиниб, ҳовли ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

— «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишда барча аҳолининг, ташкилот ва муассасаларнинг фаол иштироки, масъулияти талаб этилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бошлиғи, полковник И.Йўлдошев ўз маърузасида. — Айниқса, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёрдами алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 2-боб, 9-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Фуқаролар билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиш борасида тарғибот ишларини олиб бориш аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, нохуш ҳолатлар содир бўлмаслигини таъминлайди. Шу боис йиғин фаоллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган учрашувларда ўзбошимчалик билан қуриб олинган бино ва иншоотлар, кўчаларни автомашиналарда ва бошқа воситаларда тўсиб қўйиш ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда ҳудудга ўт ўчириш автоуловларининг ўз вақтида кириб бориши ҳамда аҳолини қутқаришида қийинчиликлар туғдириши ҳақида аҳолига тушунчалар бериш лозим. Ушбу тадбирлар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни уюшқоқлик ва ташкилотчилик билан ўтказилишига хизмат қилади.

Анжуман давомида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг малакасини янада ошириш, хизматга бўлган муносабатини шакллантириш ҳамда шахсий таркиб учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам фикр юритилди.

Тадбир сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

ТААССУФ

# «УСТАМОН ТАДБИРКОР»

## у божхона тўловларидан бўйинтовлашга умид боғлаган эди

**Бугунги кунда хусусий корхона ташкил этиш унча муаммоли иш эмас: аниқ режа, бизнес-ғоя ва бошланғич сармоя бўлса бас. Қолаверса, бошланғич сармояни банк кредити ҳисобига шакллантиришнинг ҳам имконияти мавжуд.**

Сирасини айтганда, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида давлатимиз томонидан ғамхўрлик қилинмоқда. Аммо шундай кимсалар ҳам борки, бу имкониятлар эвазига ҳалол меҳнат қилиб, жамиятга фойда келтириш ўрнига қонунни четлаб ўтишни маъқул кўраётирлар. Уларнинг тақдири эса олдиндан маълум...

Ёш тадбиркор Умиджон Юнусовнинг муваффақиятларига кўпчилик ҳавас қилар эди. Чунки у йигирма беш ёшга етиб-етмаёқ хусусий фирма раҳбари бўлиб улгурганди. Бир қараганда омад унга кулиб боққандек, гўё. Бироқ бу мафтункор ёш сиймо ниқоби ортида фақат пул учун ҳар қандай мақомга йўрғалайдиган, ўзига «пишиқ» кимса яширин эди. Балки тасодифдир, балки атайиндир — у айнан ўзига ўхшаган шахслардан иборат жамоани тузди.

«Golden Hill Group» МЧЖ фаолияти чўққи сари одимлади. Лекин Юнусовга бу ҳам камдек эди. У Туркия фирмаси билан каттагина маблағли шартнома тузишга муваффақ бўлди. Шунда унинг хаёли божхона тўловларининг миқдорини камроқ, даромадни эса мўмайроқ қилиш билан банд бўлди. Чунки у экспорт қилмоқчи бўлган қоракўл териси арзон маҳсулотлар сирасидан эмасди. Нима қилмоқ керак? Бу савол, яъни қонуний тўловларни камайтириш «ғоя»си тадбиркорга тинчлик бермасди. Шунда у ҳийла ишлатишга қарор қилди. Бу ишга ўз ходимларини ҳам жалб этди. Корхона раҳбарининг фикрича, бу «режа» анчагина пишиқ бўлиб, муваффақиятсизликка учраши мумкин эмасдек эди. Шундай бўлса-да, у ҳимояланди — қимматли юкни ўз номи билан эмас, балки бошқа ном билан расмийлаштирди. Яъни қоракўл териларини (улар салкам 14 минг дона эди) эчки терилари сифатида расмийлаштирди. Ахир эчки териси қоракўл терисидан икки баробардан ҳам кўпроқ арзон эди-да. У шу тариқа божхона тўловларини тўлашдан бўйинтовлашга умид боғлаган эди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тадбиркор шу йўсинда ўз фойдасини кўзлаб, товарлар миқдорини 70 минг АҚШ долларига камайтирган экан.

Божхона хизмати ходимлари юкни қўшимча равишда текширишини ва ҳатто тери намуналарини янада аниқлаштиришга жўнатишини тадбиркор сира кутмаган эди. Шундагина унинг ёлғони фош бўлди-қолди. Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг биологик экспертизасида мусодара этилган териларнинг айнан қоракўл терилари эканлиги қонуний йўл билан тасдиқланди. Қоракўл ва эчки териларининг нархларини аниқлаш учун «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасидан расмий маълумотлар ҳам олинди. Бир эчки терисининг нархи 4,7 АҚШ доллари, қоракўл терисининг нархи эса 9,75 АҚШ доллари экан. Фарқи — 5,05 доллар! Энди У.Юнусовнинг давлатни божхона тўловлари ҳисобидан қанчага алдамоқчи бўлганини тасаввур қилаверинг! Пировардида мазкур барча фактлар асосида жиноий иш қўзғатилди, Юнусов эса тез орада қўлга олинди.

Воқеалар силсиласида бу ҳолат тадбиркорнинг ягона найранги эмаслиги маълум бўлди. Тахминан шу даврда Тошкент шаҳар Сергели тумани прокуратураси томонидан тадбиркорга тегишли «Golden Hill Group» МЧЖга нисбатан 189-модда (савдо қоидаларини бузганлик) бўйича жиноий иш қўзғатилди. Аниқланган зарар қарийб 500 миллион сўмни ташкил этди. Икки жиноий иш қўшиб олиб борилди. Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди Умиджон Юнусовни Жиноят Кодексининг 189-,182- ва 209-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топди ва тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш баробарида уч йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилди. Ўйлаймизки, белгиланган муддат собиқ «тадбиркор»га ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини англаб етиш ва тўғри хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

У.САЛИМОВ.
*uz24.uz сайтидан олинди.*

СОЛИҚ ТИЗИМИ

# ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

## янги қулайликлар тақдим этмоқда



**Ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш жамият тараққиётига хизмат қилади. Улар солиққа оид муносабатларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Интерактив хизмат турларининг амалиётга жорий этилиши орқали тизимда сифат ва тезкорлик ортиб, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, ахборот-маслаҳат хизматларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилаётир.**

Шу билан бирга, солиқ сиёсатини янада либераллаштиришни таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштиришга имкониятлар яратилаётир.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ҳар томонлама қулай ва самарали интерактив хизматлардан фойдаланиш даражаси тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга, амалдаги интерактив хизмат турларига янги қўшимчалар киритилаётгани солиқ тўловчилар имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу йилнинг 1 октябридан соҳага 3 та, 1 ноябрдан бошлаб яна 2 та янги интерактив хизмат жорий этилди. «Назорат қилувчи органларга текширишлар режа-жадвалидан кўчирма бериш», «Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари қабулига ёзилиш» ва «Солиқ тўловчиларнинг СМС-сўровига кўра ахборотлар тақдим этиш» интерактив хизматлари назорат қилувчи органларга хўжалик юритувчи субъектларда тегишли давр учун текширишлар ўтказиш муддатлари тўғрисида маълумотлар беришда, Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари, марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ органлари раҳбарлари қабулига ёзилишда енгиллик яратди. Қолаверса, солиқ тўловчилар эндиликда уяли телефонлари орқали СМС-сўрови билан мурожаат қилиб, қизиқтирган ахборотини СМС тарзида олишга ҳам мушарраф бўлдилар.

Бундан ташқари, «Ўз бизнесингни ярат» ва «Келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш аҳволи юзасидан маълумот бериш» номли иккита интерактив хизмат фуқароларга солиқ тўлашдаги қулайликлардан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда, давлат солиқ органлари фаолияти бўйича аниқ маълумотлар олишда ҳам кўмаклашаётир.

Бугунги кунда тобора такомиллашиб бораётган интерактив хизматлардан яна бири «Электрон солиқ ҳисоботлари»га оид бўлиб, у солиқ ҳисоботларини электрон тарзда қабул қилиш ва қайта ишлашда вақт ҳамда ортиқча сарф-харажатни тежаш, барча ҳисоботларнинг тўғри топширилишини назорат қилиш имконини бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ҳисобот-тақдим қилиши лозим бўлган 11376 та корхонадан ҳозирда 10297 тасининг ҳисоботлари шу тартибда қабул қилинишига эришилди. Жумладан, Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган ягона солиқ тўловчи «Nukus Alem Servis» масъулияти чекланган жамияти ўзининг солиқ ва бошқа молиявий ҳисоб-китобларини ҳар чоракда тегишли солиқ инспекциясига электрон тарзда топшириб келмоқда. Бу усуллардан самарали фойдаланаётган йирик корхоналарни яна кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайликлар, аввало, тадбиркорларга ортиқча вақт, қоғоз ва йўл харажатлари сарфлашининг олдини олиб, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланишлари учун кенг йўл очмоқда. Қолаверса, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, маҳаллаларни оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айлантириш борасида жадал ислоҳотлар амалга оширилаётир. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритилгани, хусусан, фуқаролар йиғинлари қошида тадбиркорликка кўмаклашувчи «Маслаҳат марказлари»нинг йўлга қўйилаётгани ҳар иккала соҳа ходимларини ҳамжиҳатликка, ҳамкорликни янада кучайтиришга ундамоқда. Бу борадаги ишларни жонлантириш мақсадида ўтказилаётган семинарларда тадбиркорлик субъектларига соҳадаги ўзгаришлар ҳақида чуқурроқ маълумотлар бериляпти.

М.ЧИМБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Бухорода меҳнат ярмаркаси

**Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

Унда 153 та корхона, ташкилот ва муассаса 643 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Ярмаркада ўз мутахассислигим бўйича иш топганимдан хурсандман, — дейди 2013 йилда Бухоро автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежини битирган Аҳтам Эргашев. — Замонавий тарзда жиҳозланган «Энергомарказ» очиқ акциядорлик жамиятида ишлайдиган бўлдим. Давлатимиз раҳбари томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибордан миннатдормиз.

Ярмаркада 183 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

# ДИҚҚАТ, «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

*Ҳурматли ҳамюртлар!*

Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бирмунча ортиши билан ёнғин хавфини кескин кўпайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар Республика миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — «иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш», деб белгиланган.

*Азиз ватандошлар!*

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.*

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# БАХТИ БУТУН БЎЛСИН ҲАР БИР ОИЛАНИНГ



< [1]

Бу ўй-хаёллар уни маҳалла идорасига етаклади. Оқсоқол билан маслаҳатчига дардини ёрди. Улар аянинг келини кетиб қолгани ҳақида эшитишган, бироқ ҳаммаси изига тушиши умидида масалани зимдан кузатиб туришган эди. Иш судгача борган бўлса, энди аралашиш лозимлигини англагач, бу ишга йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссияси киришди.

— Келин яхши чевар, кўйлак тиктириш баҳонасида уйига бораман, — деди комиссия аъзоси Кумушой Нарзуллаева. — Уларнинг асл мақсади нима эканлигини билайлик-чи.

К.Нарзуллаева аввал якка ўзи бориб, вазиятни ўрганди. Кейинги гал унга комиссия фаоллари ҳамроҳ бўлишди.

Ўртада икки нафар фарзанд бор. Комиссиянинг бевосита аралашуви, узоқ олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг, оила сақлаб қолинди. Икки фарзанд, икки қоракўзнинг бахти бекам бўладиган бўлди. Ҳозир бу оила аҳил-иноқ.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номли мазкур маҳаллада 3 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ерда оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оиланинг муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлар, соғлом авлодни шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллиги ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказиляпти. Ота-оналар билан фарзанд келажаги олдидаги масъулият, тўйларни камхарж, ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказиш юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

— Жорий йил бошидан буён 7 та низоли ёш оила яраштирилишига эришилди, — дейди ушбу йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳакима Тўйчиева. — Шукрки, битта ҳам ажралиш қайд этилмади. Маҳалладаги маънавий муҳитни сақлаш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандликка берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Ушбу йўналишдаги ишларда Яраштириш комиссиясининг таъсири катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси биргина оилавий можароларни бартараф этиш билан шуғулланмайди, балки унинг зиммасига мунтазам равишда нотинч яшаётган, қўни-қўшничилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларни ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам юклатилган.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган янги Намунавий низомда Яраштириш комиссиясининг вазифалари ҳам аниқ белгиланиб, таъсир доираси кучайтирилди.

— Намунавий низомга кўра, — дейди К.Нарзуллаева, — Яраштириш комиссияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида эса фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб бориши белгилангани ишга бўлган масъулиятимизни янада оширади.

Оилани асраш, уни муқаддас билиш халқимизга хос фазилатдир. Ушбу қадриятнинг ҳаётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, бу борада маҳалланинг ролини изчил кучайтириш эса кўзланган эзгу мақсадлар рўёбида, айниқса, муҳим ҳисобланади.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»




## Самолётда олтин топилди

**Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрига Гонгконгдан учиб келган йўловчи самолётида 24 дона ёмби топилди, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.**



Калькутта халқаро аэропорти хавфсизлик хизмати ходимларида самолёт бортида унутиб қолдирилган иккита сумка шубҳа уйғотган. Олиб борилган текширувлар натижасида уларда олтин борлиги аниқланди. Бу қимматбаҳо топилма наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилар томонидан ташлаб кетилгани тахмин қилинмоқда.

Ушбу олтинларнинг қиймати 1,1 миллион АҚШ долларига тенг, деб баҳоланди.

## Жала талафот келтирди

**Саудия Арабистонида 5 кундан буён давом этаётган жала катта талафот келтирган, дейилади «Ал-Жазира» ахборот маҳкамасининг маҳаллий матбуотга таяниб тарқатган хабарларида.**



Ўтган шанба куни бошланган кучли ёғингарчилик 7 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган. Улардан 5 нафари Ар-Риёд, икки нафари Арар шаҳрида истиқомат қилган. Яна 5 киши бедарак йўқолган.

Таълим вазирлигининг масъул ходими Муҳаммад ибн Саъд ал-Доҳинийнинг баёнотига кўра, айни пайтда пойтахт Ар-Риёд билан бирга яна 9 та шаҳарда мактаблар вақтинча ёпилган.

## Мева истеъмол қилинг!

**Олимларнинг тадқиқотларига кўра, бир кунда 28 грамм ёнғоқ, бодом, фундук каби қобиқли қуруқ мевалар истеъмол қилган кишида саратон хасталигига қарши иммунитет мустаҳкамланиб, инфарктга чалиниш хавфи 30 фоизга камаяр экан.**

Американинг Бостон штатидаги «Dana-Faber» илмий тадқиқот институти ходими Чарлз Фючнинг айтишича, мунтазам қуруқ мева истеъмол қиладиган кишилар ўртасида семизлик кам учрар экан. Шунингдек, уларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш камайиб, спорт билан шуғулланишга иштиёқ кучаяр экан.

## Эрон ғарбида зилзила

**Эроннинг Ироққа чегарадош ғарбий чегараларида ер силкиниши кузатилди.**




Бу хабарни France-Presse ахборот агентлиги тасдиқлаган. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,4 балл экани айтилмоқда.

Зилзила маркази чегарага 10 км. масофада жойлашган Карманшоҳ вилоятидаги Қасри Ширин шаҳрида бўлган. Шунингдек, Бағдод шаҳрида ҳам 5 балли зилзила кузатилган.

Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Интернет маълумотлари асосида Нурмуҳаммад НОСИРОВ тайёрлади.

СПОРТ

## Ҳамюртимиз бош совринни кўзламоқда

**Бу йил теннисчимиз Фаррух Дўстов учун омадли келди. Жорий йилнинг октябрь ойида Россиянинг Қозон шаҳрида ўтган нуфузли мусобақада у жуфтлик баҳсларида молдовалик Раду Албот билан бирга бош совринни қўлга киритган эди.**

Айни вақтда Италияда эркаклар ўртасида бўлиб ўтаётган «Челленжер» туркумидаги халқаро турнирда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннисчилар қаторида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ф.Дўстов омадли иштирок этмоқда. У яккалик баҳсларининг дастлабки босқичида еттинчи рақамда сараланган мезбонлар вакили Томас Фаббианони 7:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги даврага чиқди.

Ҳамюртимиз чорак финал йўлланмаси учун ўтказиладиган кейинги учрашувда литвалик Лауринас Григелис билан рақобатлашиб, бош соврин учун омадли юришларини давом эттиради.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

# ТАРБИЯ УСТУВОР ВАЗИФАГА АЙЛАНГАН




**Келажак авлод онгу тафаккурида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маънавият тарғиботчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бу борада таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик кўлами кенгаётгани, айниқса, эътиборлидир.**

Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида айнан шу йўналишда ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ҳудуддаги 1-умумтаълим мактабида маънавий-маърифий тарбия устувор вазифага айланган. Айниқса, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоатчилик кенгашининг саъй-ҳаракатларида бу жиҳат янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Маҳалла қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети»нинг 2013-2014 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси изчиллик билан бажарилишига эришилмоқда. Шунингдек, ҳар бир оилага ташриф буюрилиб, фарзандларига яратилган шарт-шароит ва маънавий муҳит билан яқиндан танишилмоқда.

Фуқаролар йиғини ва оилалар билан биргаликда маҳалладаги ахборот-кутубхона шохобчасини ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар билан бойитиш, ўқувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Адабиёт кунлари», «Китобим-офтобим», «Мен севган ижодкор», «Ким кўп китоб ўқийди?» каби тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган. Яқинда «Бир фарзандга бир китоб» акцияси ташкил этилди. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг шахсий кутубхоналарини шакллантиришга йўл очди. «Тенгдошлар» ва «Ўрган-ўргат» дастурларининг мунтазам ўтказилиши эса аълочи ҳамда жамоатчи ўқувчилар сафини тобора кенгайтирмоқда. Фуқаролар йиғини томонидан мактаб кутубхонасига йигирмадан ортиқ бадиий китоб совға қилингани, айниқса, эътиборлидир.

Йилнинг қайси фаслида мактабга ташриф буюрсангиз ранг-баранг, ҳушбўй гуллар завқингизни оширади, кайфиятингизни кўтаради. Уларни маҳалла ҳамда мактаб ҳамкорлигида ташкил этилган «Гулсеварлар» тўгараги аъзолари парваришлашмоқда. Бу ёш авлоднинг табиатга меҳрини ошириш йўлида хизмат қилаётир.

Айниқса, ўқувчиларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, онги ва дунёқарашини турли ғаразли ахборотлар, миллий ҳаёт тарзимизга ёт зарарли таъсирлардан ишончли ҳимоялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида маҳалла ва мактаб ҳамкорлигида ана шундай мавзуларда ўндан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Уларда ота-оналарнинг фаол иштироки таъминланди.

Дарвоқе, яқинда вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида шу мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шоира Рамазонова ғолибликни қўлга киритди.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши, замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ш.Рамазонова. — Етти юз нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олаётган мактабимизда ҳам маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари доимий диққат марказимизда. Бу йўналишдаги ишларимиз самарадорлигида маҳалла фуқаролар йиғини билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик қўл келмоқда.

Ҳа, бугун «Наврўз»да, шу маҳаллада жойлашган 1-умумтаълим мактабида маънавиятнинг мазмун-моҳияти, унинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишлари изчил олиб борилмоқда. Зеро, Ш.Рамазонованинг ютуғи ҳам тасодиф эмас.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# «ЗАҲРИ ҚОТИЛ» САВДОСИ ФОШ ЭТИЛДИ

**Гиёҳвандлик дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан. «Заҳри қотил» миллионлаб инсонларнинг саломатлигига жиддий путур етказибгина қолмай, миллат генофондига салбий таъсир ўтказиши, юрт истиқболига аянчли оқибатлар келтириши билан ҳам хатарлидир. Мамлакатимизда глобал миқёсдаги бу муаммони бартараф этишга доир изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Турли тарғибот воситалари орқали ушбу иллат нафақат инсон саломатлиги, балки давлат тинчлиги ва халқ осойишталигини ҳам издан чиқариши мумкинлиги тушунтирилаётган бўлса-да, афсуски, орамизда эс-ҳушини йиғиб олмаган, тўғри йўл қолиб, тубанлик ботқоғи сари қадам қўйган кимсалар учраб туради.

Тошкент вилояти Бекобод тумани судида жорий йилнинг 17 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги суд мажлиси худди шундай бадбин кимсаларнинг қора ишларини фош қилди. Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятида яшаган уч нафар норғул йигитдан иборат наркогуруҳ панжара ортига тушди. Улар катта миқдордаги гиёҳванд моддаларни Тожикистондан контрабанда йўли билан юртимизга олиб ўтиб, сотишган. Учала «ҳамкор»га бундай «йирик иш»ни ими-жимида қойиллатиб юриш оғирлик қилади. Ва табиийки, «елкадош»лар ҳам топишади. Бироқ жиноятга шерик «Бобосалим», «Сухроб», «Зафар», «Бакир», «Нодир» ва «Рашид» каби бир неча исмларнинг шахси тергов давомида аниқланмади. «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади», дейди доно халқимиз. Зеро, ҳаром йўл билан бойлик тўплаб, юртдошларининг умрига, ҳаётига зомин бўлаётганлар, албатта, жазосини олади.

Аниқланишича, 1979 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган Бахтиёр Қосимов 2012 йилнинг июнь ойида Тожикистон Республикаси фуқароси «Бобосалим» билан танишиб қолади. Янги таниши унга «арзимас хизмат» таклиф этади. Бахтиёр бунинг учун тўланажак катта миқдордаги пулни эшитиб, шошиб қолди. Қандай ишга қўл ураётгани, қилмишининг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмади. Шу бир оннинг ўзиёқ, Б.Қосимовнинг аслида кимлигини фош қилувчи имтиҳон эди, гўё. Маънан қашшоқ кимсалар ўз орзу-ҳаваси йўлида ҳар қандай қабиҳликдан тоймайди, ҳакалак отган нафси қутқусида бошқаларнинг осойишта ҳаётига оғу қўшади. Б.Қосимов ҳам айнан шундайлардан бўлиб чиқди. У қўшни давлатдан айланма йўллар орқали она-Ватанига наркотик воситаларни олиб ўтишга қарор қилди.

Тоққа чиқмасанг дўлана қайда, деганларидек, ишни бажариш хийла мураккаб, баъзи масалаларда «ҳамкор»лар кўмаги зарур эди. Шу боис жиноий бизнес йўлида Сухроб ва Зафар исмли ишончли шериклар билан музокара қилди. Улар ёрдамида чегарада жойлашган Бекобод туманига келиб, буюртмачи қўлидан 2 килограмм «товар»ни қабул қилишди. Бу ёғига Зафар ишни дўндирди. Заҳри қотилни кийимлари орасига беркитиб, Тошкентга олиб киришга муваффақ бўлди. Уддабурон ҳамкоридан шодланган Бахтиёр шу ернинг ўзида унга «иш ҳақи»ни қуртдек санади. Ўзи эса «тадбиркор» сифатида «маҳсулот»ни қадоқлай бошлади. Кўп ўтмай унинг бу фаолияти жонланди — мижозлари сафи кенгайяверди.

Ишнинг суръати чакки эмаслигидан шодланган Б.Қосимов ишончли шерикка эҳтиёж сезди. Бир ой ўтгач, шундай «садоқатли», «серғайрат»ларни учратди. Булар сурхондарёлик Намоз Муратов ва фарғоналик Ҳусниддин Сиддиқов эди. Гуруҳ иши ривожланишнинг янги палласига кирди. Пухта сценарий бўйича иш тутган ҳамкорлар наркотик моддаларни Бекободдан Тошкентга мунтазам келтириб, шаҳардаги мижозларни илҳақ қилмасдан «олқиш»лар олиб туришди. Ўз навбатида, гиёҳвандлар сонининг ортишига ҳам эришишди.

Ҳар қанча хавфли бўлмасин, «қаловини топиб, қорни ҳам ёндиришни эплаб юрган»ларнинг иштаҳаси тобора карнайлашди. Ахир, бел оғритмасдан, тер тўкмасдан ҳар куни жарақ-жарақ пул санаш кимнинг жонига тегсин?! Шу тариқа «фаол бизнес» юритаётганлар июль ойи охирида ҳам икки килограмм наркотик учун навбатдаги «қатнов»ни уюштиришди. «Маҳсулот» ҳажми билан бирга тўда аъзолари сонини тобора ошириб, кенг фаолият юритаётган Б.Қосимов 2012 йилнинг 27 сентябрида ҳамтовоқлари сафига туғишган жигари Шамсутдинни ҳам жалб этди. Унга асосий вазифа — гиёҳванд моддаларни пойтахтга етказишни топширди. Н.Муратов ва Ҳ.Сиддиқов билан бирга сафарга отланган Ш.Қосимов Қўйлиқ бозорига боради ва у ердан ПАЗ-672 русумли (давлат рақами 10AV077) автобусни ёллайди. Жиноятчилар ҳайдовчи Абдулла Ҳошимовга Бекободдан тўрт тонна бақлажон олиб келиш кераклигини айтишади. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек кетаётганди. Чегарадан навбатдаги «маҳсулот» партиясини олиб, яна ортга қайтишда улар мўмай даромад умидида сармаст, бироқ шу кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан нолегал наркотик ва психотроп моддаларни олиб ўтиш бўйича махсус рейд ўтказилаётганидан, қора қилмишларининг фош бўлиш вақти келганидан бехабар эдилар.

Ушбу тадбир давомида Тошкент вилояти Бекобод туманида «шоввоз»лар ёллаган автобус тўхтатилди. Текширувда автобуснинг олд ўриндиғи остида наркотик модда жойланган 3 та полиэтилен пакет борлиги аниқланди. Судда барча далиллар ўз исботини топди. Жиноий гуруҳ айбига иқрор бўлди. Наркотик моддаларни тарқатишга ҳисса қўшган фуқаролар айбдор, деб топилди ва тегишли тартибда ўз жазосини олди. Хусусан, Б.Қосимов 14, Ш.Қосимов 12, Н.Муратов 13, Ҳ.Сиддиқов 12, наркокурьер Ф.Халисов эса 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.



Эл-юртимиз тинчлиги йўлида курашаётганлар қўшни давлатдан келаётган яна бир наркотик етказув йўлини йўқ қилишди. Қора бизнес юритишни ният қилганлар эса, энди норғул йигитлик даврини панжара ортида ўтказишга маҳкумлар. Аслида улар бор ғайратини, маҳоратию куч-қудратини эзгу ишларга сафарбар этганларида бугун халқнинг нафратига эмас, муҳаббатига, ҳурматига сазовор бўлишармиди...

Сергей ЕГОРОВ.
*uz24.uz сайтидан олинди.*

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

# СЎЛИМ ГЎША, ФАЙЗЛИ ОРОМГОҲ



**Мамлакатимизнинг шимоли-ғарбий ҳудуди ҳисобланган Хоразм воҳаси ўзининг бой ўтмиши, буюк қадриятлари ва бебаҳо обидалари, сайёҳлик салоҳияти билан дунёга машҳур.**

Вилоятнинг Боғот туманидаги сўлим гўша, файзли оромгоҳ — Қалъажиқ қалъаси милоддан аввалги IV асрга оид обида бўлиб, ўша пайтларда мудофаа қўрғони сифатида бунёд этилган.

Бир томони Боғот, бир томони Ҳазорасп туманларига туташ, Қорақум барханлари бағрида қад ростлаган обида деворларининг узунлиги жанубда 221, шимолда 184, шарқий томонда 114, ғарбда эса 72 метрни ташкил қилади. Деворга лой олинган жойда кўл пайдо бўлган. Унинг суви ва атрофдаги қумнинг шифобахшлиги мутахассислар томонидан ўрганилиб, инсон соғлиғи учун кони фойда экани исботланди.

Истиқлол шарофати билан қалъада бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаймоқда. Кейинги икки йил ичида 12 та янги айвон қурилди. Умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Бу ерга дам олиш, шунингдек, шифо истаб келувчиларга маданий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Қадим қалъа салобат ва маҳобати билан узоқдан кўзга ташланади. Уфққа туташ қумда унган турли гиёҳларнинг хушбўй иси димоққа урилади. Кимлардир кўлда чўмилса, кимлар қумда олтин қуёшнинг заррин нурларида тобланади. Иштаҳа билан овқатланаётган, фойтунда сайр қилаётган одамлар, айниқса, ота-оналари билан келган болакайларнинг шодон қийқириқлари киши баҳридилини очади.

Сайёҳларни кутиб олиб, ўз айвонлари, яъни гир айлана қурилган салқин «қора уй»ларга таклиф этаётганларнинг хушмуомаласидан, хизматидан барча мамнун.

Хўжалик қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Тоҳиржон Полвоновнинг айтишича, бу ерда тўртта маҳалладан юз нафардан зиёд фуқаро хизмат қилаётган экан. Қалъажиқ оромгоҳи фаолияти аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Биз қўшни Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманидан дам олишга келдик, — дейди ўзини «Мардон» фермер хўжалиги раҳбари, деб таништирган Каримбой Сафоев. — Бу ерда мириқиб дам олиш баробарида шифо ҳам топяпмиз. Бел, оёқ оғриғи, юрак безовталигидан асар ҳам қолмади. Энди ҳар йили келишни ният қилдик.

Бу оромгоҳга Бухоро, Навоий, Самарқанду Сирдарё ва бошқа вилоятлар ҳамда қўшни республикалардан ташриф буюраётганлар сони йил сайин ортаётир.

— «Ўзбектуризм» миллий компанияси, унинг вилоятдаги минтақавий бўлими мутасаддилари оромгоҳга келиб, унинг имкониятларини янада яхшилаш борасида бизга яқиндан ёрдам беряпти, — дейди Қалъажиқ соғломлаштириш оромгоҳи масъул ходими М.Собиров. — Айни пайтда муҳтарам Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида воҳада улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бунга катта миқдорда маблағ ажратилган. Яқин келажакда Қалъажиқ бутунлай ўзгача кўркам қиёфа касб этади. Янги қўшимча айвонлар, маиший, савдо, маданий хизмат кўрсатиш шохобчалари, автотураргоҳ қурилади. Теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш учун Хоразм Маъмун академияси олимлари кўмагида бу ернинг тупроқ ва иқлим шароитига мос гуллар, ўсимликлар, манзарали дарахтлар экишни йўлга қўймоқчимиз. Йўллар бутунлай қайтадан, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тарзда таъмирланади.

Дарвоқе, Қалъажиқ Хоразмнинг сайёҳлик салоҳиятини намоён этувчи обидалардандир. Шу муносабат билан бу ернинг тарихи, имкониятлари, халқимизнинг миллий қадрият, урф-одатлари тўғрисида алоҳида веб-сайт, фильм яратиш устида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган. Қалъажиқ яқин келажакда фақат ёзда эмас, йилнинг тўрт фаслида ҳам одамлар яйраб дам оладиган шифобахш масканга айланади.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

БИР ЎЛКАКИ...

# ЭНГ БАЛАНД ВА ГЎЗАЛ ШАРШАРА



**Сурхондарё — жаннатмонанд юртимизнинг иссиқ иқлимли ҳудудларидан. Аксарият дам олувчилар азим Боботоғ этаклари томон ошиқишади.**

Мўътадил табиати, ранг-баранг ўсимликлар дунёси, ажойиб ҳайвонот оламига эга бу манзилнинг сувлари зилол. Минглаб булоқ ва чашмалардан отилган «обиҳаёт» танага дармон бахш этади. Яна бир гап. Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг баланд ва гўзал шаршаралардан бири «Сангардак» ҳам айнан шу ерда мавжланади.

Улкан қоялар узра камалакмисол товланаётган манзара ниҳоятда беназир. Баландлиги қарийб 150 метр, ёйсимон, эни 80 метр келадиган шаршарада тошдан-тошга урилиб тушаётган сув шовқини кишини толиқтирмайди, аксинча руҳиятига ором беради. Сумбула баргларининг зилол сувда шокила-шокила таралиши кишини беихтиёр мафтун этади. Азим ва кўркам тоғ, кўз илғамас чўққиларга қараб, она табиатимизнинг бемисл мафтункорлигига тасанно айтасиз.

— Шаршара сувлари қишда бироз камайса, эрта баҳордан тўлиб-тошиб, яна чор-атрофга дур доналар соча бошлайди, — дейди »Сангардак» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жумақул Мирзоқулов. — Вилоят марказидан 200 километр олисдаги ушбу пурвиқор тоғлар маконига келган киши бундан ташқари, паст-баланд адирликлар, дарёю водийлар тароватидан ҳам ҳузурланади. Ўзбекистоннинг энг юксак чўққиси(4 минг 688 метр) ҳам шу тоғ тизмасида жойлашган.

Дарҳақиқат, она диёримиз сўлим табиати, таровати билан машҳур. Тоғу тошлар, қир-адирлару серсув дарёларимиз манзарасидан дил яйрайди. Биз эса ушбу гўзалликдан баҳраманд бўлганда, уни бешикаст ва безавол асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишга бурчли эканимизни унутмасак бас.

Шаҳина БОНУ.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«КОНСТИТУЦИЯ — 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгиз сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

**ДОНОЛАР БИСОТИДАН**

*Анас ибн Молик ривоят қилади: Пайғамбаримиз (с.а.в.) кексаларни улуғлаш ҳақида марҳамат қилдилар:*

*«Ёш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди».*

**(Имом Термизий ривояти).**

*Диққат, янги акция!*

## «Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

**Ҳурматли юртдошлар!**

**Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.**

**Таҳририятга келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Натижалар газетада эълон қилинади.**

**Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади.**

**Ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.**

7-КУПОН

*Исм-шариф:* ____

*Манзил:* ____

*Телефон:* ____

*Обуна бўлинган сана:* ____

«ОБУНА — Mahalla»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

18372 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8526 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00